

Инсон Психологиясида Рангларнинг Рухий Таъсири



SCIENCE BOX

Нозима Арифовна Кадирова, Паризод Розикова
Бухоро давлат университети Тасвирий санъат ва
муҳандислик графикаси кафедраси уқитувчиси

Аннотация:

Ушбу мақолада табиатдаги рангларнинг инсон рухиятига таъсири хақида гап кетяпти. Ранглар орқали киши организми ва асаб системасини даволаш усуллари ҳамда психолог олимларнинг тажрибаларидан мисоллар келтирилган.

Таянч сузлар:

светофор, ранглар доираси, фреска, полотно, анемия, совук ранг, глаукома

Рангларнинг хаётда инсонларга рухий таъсири каттадир. Оддий мисол: кучаларга урнатилган светофор чирокларини олайлик. Йуловчилар кучада юрганларида албатта чоррахаларга урнатилган светофорга қарайди. Кизил чирок ёнса, юриш кишилар учун хавфли, сарик чирок ёнса утиш учун тайёр булиб тур, агарда кук чирок ёнса, утиш мумкин деганидир. Мана курдингизми, бу ранглар киши рухиятига тез ва катта таъсир қилади ва бунга доим риоя қилишга ургатади. Хаётда туйлар, бола тугилиши, бешик туйи, никох туйлари каби воқеалар ва байрамлар булиб утади. Буларнинг ҳаммаси яхшилик, хурсандчилик, қувнок, жушқин хаётни курсатувчи воқеалардир. Шундай мавзуларда ишлаган рассомларимизнинг ранг тасвир бадиий асарларига назар ташласак, унда сувратнинг умумий ранг тузилишида Еркин, шухсан рангдаги бўёқлар ишлатилганини кураимиз. Оч хаво ранг, оч сарик, тук сарик, заргалдоқ, оч кизил, пушти, оч барги қарам ва шунга ухшаш рангларга қузимиз тушади.

Урол Тансиқбоевнинг «Жонажон улқа», «Қайроққум сув омбори», «Менинг қушигим» каби асарлари бизга маълум. «Менинг қушигим» манзара асари шундай ишланганки, бир қарашда кишини узига мафтун қилади, шундай жойларга бориб дам олиш хавасини уйғотади. Манзаранинг олд томонида очилиб турган еркин сарик рангли тоғ гулини, орқа томонда тоғ манзарасини ва қишлоқни кураимиз. Мовий манзара томошабинларни уз бағрига қорлаётгандек хис тугилади.

Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими Хикмат Рахмоновнинг «Ёз севинчи» асарида болаларнинг иссиқ ёзда маза қилиб тарвуз тановул қилаётганлари тасвирланган. Болалар ахил, хушқачқак, ранг-баранг қийимда, томошабини қувонтиради, сувратнинг умумий ранги шухчанг, ёркин бўёқларда ишланган, жозибали булиб, болалик даврини қуйлайди.

Рассомлардан П.П.Беньковнинг «Ўзум узиш», Н.Г.Қараханнинг «Олтин қуз» асарлари ҳам томошабинларга катта эстетик таъсир қилади. Тарихда дахшатли табиат воқеалари, сиёсий воқеалар, урушлар юз бериб турганини биламиз. Рассомларимизнинг ана шундай мавзуларда ишланган ранг тасвир асарлари маълум.

Бруевнинг «Последний день Помпеи» асарида эрамизнинг I асри бошларида Италиянинг Помпей шаҳрида юз берган дахшатли табиий офат тасвирланган. Визувий вулкони отилиб чиқиб, кечаси шаҳарни лава (юқори даражада қизиқ ётган суюқ мода) босади, бутун иморат, дарахт ва бошқа нарсаларни вайрон қилади, бутун аҳоли ваҳимага тушиб, бу дахшатдан қутилиш учун қоча бошлайдилар. Рассом бу мавзунини хар томонлама урганиб, полотно яратган. Биз бу сувратни томоша қилар эканмиз, албатта биринчи галда рангларга, қора булутсимон тутунга, оловга, кишилар ҳаракати ва рангларига қузимиз тушади. Блунда катта фожеа, қайғу ва азобни сезамиз. Демак, қора, кизил, заргалдоқ ранглар қайғуни, фожеани эслатувчидир.

Рассомлардан Борис Иогансоннинг тарихий мавзуларда ишлаган (1937 йил) «Эски Урол заводида» деган асарини олиб қурайлик. Бунда қийналган ишчиларнинг эски, қоронғу завод цехида завод хужайини билан юзма-юз учрашувини тасвирда кураимиз. Утирган ишчи оғир меҳнати туфайли хориганлиги, қийимлари эски-тускилиги орқа томондаги қари ва ёш ишчиларни кураимиз, булар оғир меҳнатдан эзилган ишчилардир. Чап томонда завод хужайини тасвирланади, унинг бойларга ҳос образи қоча-пустини, думбок, семиз оппоқ қули, бармоқдаги

олтин узуклари оркали характеристика беради.

Ранг тасвирнинг илмий негизини рангшунослик фани ташкил килади. Рангшунослик булгуси рассомларга рангларнинг табиатда хосил булиши ва таркалиши масалаларини, уларнинг атроф-мухит таъсирида узгариб куринишини, буёкларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йулларини ургатади. Урта Осиё ранглар хакидаги таълимот кадимдан китоб миниатюраси, наққошлик ва деворларга фреска паннолар ишлаш билан боглик холда ривожланиб келган. Чунки мусаввирлик хунари ранг танлаш ва уларни тайёрлай билишни талаб этган. Шунинг учун хар бир шогирд, аввало, ранг тайёрлаш сирларини ва шу ишга боглик кимёвий жараёнларни урганган. Рангларнинг табиатда кандай хосил булиш ва таркалиш ходисалари кадимдан олимлар ва рассомларнинг диққатини тортган. Уйғониш даври буюк рассомлари ва назариячилари Леон Батиста Альберти, Леонардо да Винчи ва бошқалар ранг тасвир хакидаги асарларида рангларнинг хусусиятлари хакида ёзганлар. Атокли ва машхур олимлар Ньютон, Ломоносов, Гельмгольцлар рангларнинг мохиятини илмий асосда текширганлар.

Ранглар инсон организмга, унинг асаб системасига фаол таъсир курсатади. Ишлаб чикариш биноларини буяш буйича таникли мутахассис, Франциядаги техника эстетикаси институтининг асосчиси Жак Вьено бундай ёзган: «ранг хар нарсага кодир: у нур, хотиржамлик ва хаяжонни келтириб чикара олади. Асрлар давомида тушланган тажриба хам бу фикрни тасдиқлайди. Кизил ранг хаяжонга солишни, кук ранг хотиржам килишни, кора ранг кайгули туйгулар уйғотишни кадим замонлардаёк билганлар. Сарик ранг эса кайфиятни яхшилаиди.

Рангларни кадим замонлардаёк илик ва совук рангларга ажратганлар. Урта аср докторлари баъзи рангларнинг сеҳрли кучига ишониб, одамларни ранг билан даволамокчи булганлар. Даволашнинг бундай усуллари хозир хам кисман сакланиб колган. Масалан, Францияда рухий касалларни деворлари махсус рангга буялган хонага жойлаштириб даволайдилар.

Рус рухшуноси ва асабшуноси В.М.Бехтерез лабораториясида рангли ёругликнинг рухий жараёнлар утиш тезлигига таъсири аниқланган: узун тулкинли ёруглик рухий жараённи тазлаштиши, уртача тулкинлиги реакция тезлигини пасайтириш, киска тулкинли ёруглик кишини эзиши маълум булган. Мовий ранг киши асабини хотиржам килган. Рухан эзилган кишиларга эса оч кизил ранг фойдали таъсир килган.

Олимларнинг тажрибалари анемия – кам конлик касалига учраган болаларни даволашда кизил ранг фойдали эканлигини курсатади. Бундай болаларда кизил ранг таъсирида кизил кон таначалари купайган, кайфияти яхшиланиб, семира бошлаганлар.

Кук ранг кузни кон босимини камайтириб, коннинг кон томирларидан нормал юришини таъминлайди. Буни профессор С.В.Кравков аниқлади, унинг шогирдлари эса ранг билан даволаш усуллари ишлаб чикдилар. Глаукома касаллига чалинган кишилар учун хозир кук шишали кузойнаклар ишлаб чикарилади.

Ёш олимлардан бири иш унумдорлигига рангларнинг рухий таъсирини аниқлаш максатида бир неча тажриба утказиб курган: денгиз киргогидаги кемалар тухтайдиган жойда юк ташувчи ишчиларнинг ишини кузатиш учун рахбарлари билан келишилган холда галати тажриба

утказган, бир неча юз юк яшиқни ҳеч қимга қурсатмай қора ранга буяган ва ишчиларга теплоходга ташиб чиқишни илтимос қилган, ишчилар қора ранга буялган яшиқни эриниб қутариб ташиганлар, лекин тушлик вақтига қадар ташиб қуйиш урнига кечгача ташишган, Яна шу яшиқларни бир ойдан сунг оқ буёққа буяб, ишчиларга ташишни айтганда уларда яхши қайфият пайдо бўлиб, тушликка қадар ташиб қуйишган. Иккинчи мисол, Россиядаги бошланғич мактаблардан бирида ўқитувчи аёл 1-3 синфларда дарс олиб борган, лекин болалар ҳушқакчақ бўлмай, доим ўқитувчисига эътиборсиз бўлганлар. Ўқитувчи бунинг сабабини тушуна олмай рухшунос шифокорга бориб маслаҳат сурайди, доктор савол-жавоблардан сунг шуни аниқлайдики, ўқитувчи аёл доим бир хил қора, қуримсиз рангли қуйлак қияр экан. У шифокорнинг маслаҳати билан очик, ёркин рангли қуйлак қийиб мактабга боради, биринчи қуниёқ ўқувчилари бирданига севиб қоладилар, деярли ҳамма ўқувчилари унга ёпишиб оладилар, ниҳоят опасини доим ҳурмат қилиб, дарсида жим ўтириб, вазифаларни яхши ва аъло бажарадилар.

Буларнинг ҳаммаси ва бошқа фактлар турли ранг киши организмга, асаб системасига ва аввало қузга турлича таъсир қилишидан далолат беради.

Шундай қилиб қатор тажрибалар натижасида маълум бўлдики, тук, қора, мотамсаро ранглар киши руҳиятига, айниқса ёш болаларга қатъи, салбий таъсир қилар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Kadirova, Nozima Arifovna. "UZBEK NATIONAL CHILDRENS CLOTHING AND ITS EVOLUTION." *Theoretical & Applied Science* 6 (2020): 155-157.
2. Хақимова, Г. А., & Қадирова, Н. А. (2021). НАСКАЛЬНАЯ ЖИВОПИСЬ В ПРОИСХОЖДЕНИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 78-80.
3. Kadirov, O. M., Kadirova, N. A., & Kahhorova, M. (2021, March). METHODS OF USING FOLK TALES AND FOLKLORE ABOUT CRAFTS IN THE ORIENTATION OF YOUNG PEOPLE TO THE PROFESSION. In *E-Conference Globe* (pp. 74-77).
4. Arifovna, K. N., & Ilhomovna, I. S. (2019). Characteristics of uzbek embroidery. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 2019.
5. Mamurova D. I., Ibatova N. I., Badiyeva D. M. THE IMPORTANCE OF USING THE KEYS-STADI INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGY METHOD IN TRAINING THE IMAGE MODULE OF GEOMETRIC SHAPES //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 335-338.
6. Сулаймонова, Муҳиба Болтаевна, et al. "ДОСТИЖЕНИЕ ЭСТЕТИЧЕСКОЙ И ПРАВСТВЕННОЙ ЗРЕЛОСТИ ОБУЧАЮЩИХСЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ." *European science* 3 (59) (2021): 53-56.

7. Аминов, Акмал Шавкатович, et al. "ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ." *European science* 2 (58) (2021): 77-79.
8. Собирова, Ш. У., Ядгаров, Н. Д., Мамурова, Д. И., & Шукуров, А. Р. (2021). ОСНОВЫ, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБУЧЕНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ. *European science*, (2 (58)), 62-65.
9. Мамурова Д. И. и др. УЧЕБНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СТУДЕНТОВ ПО РЕШЕНИЮ РАЗЛИЧНЫХ ДИДАКТИЧЕСКИХ ЗАДАЧ В РАЗВИТИИ ПРОСТРАНСТВЕННОГО ВООБРАЖЕНИЯ СТУДЕНТОВ //European science. – 2021. – №. 2 (58). – С. 29-31.
10. Бадиев, М. М., Собиров, Т. Р., Авлиякулов, М. М., & Азимов, С. С. (2021). АНАЛИЗ ОБРАТНЫХ ЗАДАЧ В НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 76-77.
11. Nazarova S. M., Zaripov G. T. GENERAL PHYSICAL PROPERTIES OF IRRIGATED GRASS SOILS OF BUKHARA OAZIS AND WAYS TO IMPROVE THEM //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 3. – С. 66-69.
12. Djalolovich Y. N. et al. IMPROVING THE PROFESSIONAL TRAINING OF FINE ART TEACHERS //European science. – 2021. – №. 2 (58). – С. 44-46.
13. Авлиякулов, М. М., Собиров, Т. Р., Бадиев, М. М., & Азимов, С. С. (2021). ОБЩИЕ ЗАКОНЫ КОМПОЗИЦИИ В РЕЗЬБЕ ПО ДЕРЕВУ. *European science*, (2 (58)), 32-34.
14. Samadvich, A. S., Nayimovich, A. S., & Nosirovna, S. M. (2021). Technology Of Teaching Fine Arts And Science Classroom. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 25(2), 109-111.
15. Авлиякулова Н. М. и др. РОЛЬ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ //European science. – 2021. – №. 2 (58). – С. 95-97.
16. Остонова, Г. Р., Ибадуллаева, Ш. И., Мусинова, А. С., & Авлиякулова, Н. М. (2021). ДИДАКТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ОБУЧЕНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ. *European science*, (2 (58)), 104-106.
17. Хакимова, Г. А., & Кадилова, Н. А. (2021). НАСКАЛЬНАЯ ЖИВОПИСЬ В ПРОИСХОЖДЕНИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 78-80.
18. Шомуродов, О. Н., Ширинов, А. Л., Батиров, Д. С., & Хакимова, Г. А. (2021). МЕТОДОЛОГИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦВЕТОВ И КРАСКИ ПРИ ОБРАБОТКЕ ИЗОБРАЖЕНИЙ. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 80-82.

19. Ботиров, Д. С., Шомуродов, О. Н., & Ширинов, А. Л. (2021). МЕТОДИКА ИЗУЧЕНИЯ ИСТОРИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *European science*, (2 (58)), 101-103.
20. Odilova, M. O. "Improving the pedagogical potential of biology teachers using computer programs." *International Engineering Journal For Research & Development* 5.9 (2020): 4-4.
21. МАМАТОВ, D. The Role of Computer Gaphics in Developing Students Space Imagination. *JournalNX*, 6(10), 304-309.
22. Абдуллаев, С. С., Бакаев, Ш. Ш., Остонова, Г. Р., & Шарипов, Ш. Ш. (2021). ОРНАМЕНТАЛЬНАЯ СИМВОЛИКА В НАРОДНОМ ДЕКОРАТИВНО-ПРИКЛАДНОМ ИСКУССТВЕ БУХАРЫ. *European science*, (2 (58)), 17-19.
23. Botirov, J. S., Bakaev, S. S., Avliyakulov, M. M., Shirinov, A. L., & Abdullaev, S. S. (2021). The same goes for art classes in private schools specific properties. *Journal of Contemporary Issues in Business and Government*, 27(2), 1643-1650.
24. Sadikovna, M. A., Razzokovna, O. G., Ihamovna, I. S., & Muzaffarovna, A. N. (2021). THE PLACE OF ART IN PERSONAL DEVELOPMENT. *European science*, (2 (58)), 98-100.
25. Ибадуллаева, Ш. И., Остонова, Г. Р., & Ишанкулов, Ш. Ш. (2021). ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ХУДОЖЕСТВЕННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ. *European science*, (2 (58)), 74-76.
26. Авезов, Шерали Наимович, et al. "ИЗУЧЕНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ИСКУССТВА." *European science* 2 (58) (2021): 20-22.